

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХАЛИЛОВ ШЕРЗОД АХМАТОВИЧ

**ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ҲИСОБИ
ВА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

УДК:657.41./45:69(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Халилов Шерзод Ахматович

Қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисоби ва таҳлилини
такомиллаштириш.....3

Халилов Шерзод Ахматович

Совершенствование учета и анализа операционной деятельности в
строительных организациях.....29

Khalilov Sherzod Ahmatovich

Improvement of the accounting and analysis of operational activities in
construction organizations.55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....60

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХАЛИЛОВ ШЕРЗОД АХМАТОВИЧ

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ҲИСОБИ
ВА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Замонавий иқтисодиёт трансчегаравий битимлар ва халқаро капиталнинг эркин айланишига таянади. Ҳозирги вақтда барча молиявий операцияларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи чегаралар орқали амалга оширилмоқда ва бу рақам янада ўсиши кутилмоқда. Жаҳон иқтисодиётида энг йирик тармоқлардан бири сифатида қурилиш соҳасининг роли ва тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, қурилиш соҳасининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларини юқори суръатларда тараққиёти учун хизмат қилади. Глобаллашув даврида инвесторлар дунё бозорларига кириб бориш, шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда халқаро даражада бизнес операцияларни ўтказиш имкониятларини қидирмоқдалар. Ушбу жараёнда мамлакатларда амал қилаётган ҳисоб ва ҳисобот тизимларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш молиявий маълумотларнинг халқаро таққосланиши ва сифатини ошириш, ошкораликни таъминлаш, инвесторларга ва бозорнинг бошқа иштирокчиларига бошқарув қарорларни тўғри қабул қилишга хизмат қилади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес фаолияти операцион ва операцион бўлмаган фаолият турларига ажратилади. Операцион фаолият хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг асосий таркибий қисми бўлиб, субъект ходимлари ва шакллантирилаётган барча активларнинг қатта қисми ушбу фаолиятни таъминлашга йўналтирилади. Бу эса, операцион фаолият бошқа фаолият турларига нисбатан муҳим аҳамият касб этиб, хўжалик юритувчи субъектнинг умумий ривожланиш стратегияси йўналишларини белгилаб беради. Шу боис, жаҳон амалиётида хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолият ҳисоби ташкил этиш ва уни таҳлил қилиниши масалалари тадқиқ қилинган. Бироқ, шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва таҳлил қилиш масалалари етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритилишининг амалдаги тартиблари бир қатор камчиликларга эга. Амалдаги мавжуд меъёрий ҳужжатларда қурилиш соҳасининг туб хусусиятлари операцион фаолиятни ташкил этишда мураккабликларни вужудга келтирмоқда. Шу боис, қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисобини тўғри ташкил этишда уларнинг асосий мақсадларни қамраб олувчи ҳисоб жараёнлари ва маълумот манбаларини ўзида акс эттирадиган асосий кўрсаткичларни аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур муаммолар қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришга қаратилган назарий-

амалий муаммоларни чуқур тадқиқ этишнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, шунингдек қурилиш соҳасига тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молиявий ва бошқарув ҳисобида операцион фаолиятнинг ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва услубий масалалари хориж олимлари Томас Р.Робинсон, Хенни ван Греунинг, Елейин Хенри, Майкл А.Брохайн, Хенри Дайдерис, Давид Аннанд, Тим Саттон, Х.Греунинг, Д.Скотт, С.Тербланч, В.Даниел, А.Боливар, Ж.Вален, С. Багински, М.Брэдшоу, А.Нандакумар, Дж.Калпеш, П.Гош, А.Алькафаджи, М.Доблер. С.Т. Петерсон, Ч.Т.Хонгрэн, С.М.Датар, Ж.М.Фостерларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган¹.

МДХ олимлари, жумладан, Н.Н. Селезнёва, А.Ф.Ионова, Л.Е.Красильникова, Э.Г.Сысуева, М.С.Фаренюк, Н.Н.Селезнёвалар томонидан бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва услубий масалалари ўрганилган².

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.А.Каримов, К.Б.Ўразов, А.В.Ваҳобов, А.Т.Ибрагимов, Н.Ф.Ишонқулов, М.К.Пардаев, Ж.И.Исроилов,

¹ Thomas R. Robinson, Hennie van Greuning, Elaine Henry, Michael A. Broihahn, International Financial Reporting Statement Analysis, 6-Chapter Understanding the Cash Flows Statement, Published by John Wiley & Sons, Inc., 11-p.2009.USA. Henry, D., David A. Introduction to financial Accounting: Based on International Financial Reporting Standards. Second edition. Valley Educational Services Ltd.43-p. 2014. Canada. Sutton, T., Corporate Financial Accounting and Reporting, Second Edition. Pearson.139-p.2004. UK. Greuning, H., Scott, D., Terblache, S. International Financial Reporting Standards: A Practical Guide. Seventh Edition. The World Bank. 38-p.2006. USA. Daniel, W.H., Bolivar, A.S., Construction Management. Fourth edition. John Wiley & Sons, Inc. 216-p. 2011.USA. James M. Wahlen , Stephen P. Baginski, Mark T. Bradshaw . Financial Reporting, Financial Statement Analysis and valuation. Seventh edition. South-Western, Cengage Learning. 185-p.2008.USA. Nandakumar, A., Kalpesh, J., Ghosh, P., Alkafaji, A. Understanding IFRS Fundamentals. John Wiley & Sons, Inc.12-p.2010.Canada. Steven J. Peterson. Construction Accounting and Financial Management. Second edition. Pearson edition. 12-p.2009.USA. Charles T. Horngren, Srikant M. Datar, George M. Foster. Cost Accounting. Pearson. 12th Edition. 144-p 2006.USA.

² Н. Н. Селезнёва, А. Ф. Ионова. Анализ финансовой отчётности организаций. М.-«ЮНИТИ-ДАНА», 2008.-388 с Л.Е.Красильникова, Э.Г.Сысуева, М.С.Фаренюк. Экономический анализ. Учебное пособие.-РФ: «Прокрость». 2016.-171 стр. Россия.

Б.И.Исроилов, Т.Қ.Қудратов, М.М.Иброҳимов, З.Ҳ.Каримова, М.Ю.Рахимов, Н.Н.Қаландаровалар томонидан бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва услубий масалалари тадқиқ қилинган³.

Юқорида таъкидланган олимлар томонидан қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисоби ва таҳлили такомиллаштириш мавзусида бажарилган илмий ишларда алоҳида ва яхлит тадқиқот предмети бўлиб ўрганилмаган. Мавзуга оид масалалар ҳамда муаммоларнинг айрим томонлари тадқиқ этилган бўлиб, уни такомиллаштириш бўйича концептуал йўналишлар ишлаб чиқилмаган. Бу эса бугунги кун талабларига жавоб берадиган илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилмоқда. Шу жиҳатдан, муаммонинг назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиниши мазкур ишнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти АМ-ФЗ-2019081548- «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий ҳисоботларини трансформация қилиш» мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида хўжалик юритувчи субъектларда бизнес фаолиятининг операцион ва нооперацион фаолиятларга ажратиб олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

операцион фаолият тушунчасига тавсиф бериш, унинг таркиби ва таснифий асосларини тадқиқ этиш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида операцион фаолият харажатларининг характери ва функциялари бўйича таснифлаш асосида «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисобот шаклини ишлаб чиқиш;

буюртмачилар билан тузилган шартномаларни бирлаштириш, уларни модификациясини ҳисобга олиш, даромадларни тан олишни аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш;

қурилиш ишлари харажатларининг калькуляцион моддалар бўйича таҳлил қилиш тартибини ўрганиш ва уларга баҳо бериш;

шартнома бўйича бажарилган қурилиш ишлари таннархига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ҳамда таннархни ўзгариш сабабларини аниқлаш;

³ А.А.Каримов. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Тошкент.:«Иқтисод-молия».2008. К.Б.Ўразов. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари. <http://www.sies.uz>. А.В.Ваҳобов,с.А.Т.Иброҳимов,Н.Ф.Ишонкулов.Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик.-Тошкент.: «Шарк». 2005.-164б. М.К.Пардаев, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов. Иқтисодий таҳлил.Ўқув қўлланма-Тошкент.2017.-238б Т.Қ.Қудратов, М.М.Иброҳимов, З.Ҳ.Каримова. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма.-Тошкент.:«ИЛМ ЗИЁ», 2005.-106 б. М.Ю.Рахимов, Н.Н.Қаландарова. Молиявий таҳлил. Дарслик.-Тошкент.:Иқтисод ва молия. 2019-267б.

давр харажатларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлилини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Электрқишлоққурилиш» акциядорлик компанияси тизимидаги акциядорлик жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисоби ва таҳлили билан боғлиқ назарий, услубий ва ташкилий жиҳатларни ўзида мужассамлаштирувчи иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда докторинал, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, корреляцион ва регрессион таҳлил, таққослаш ва омилли таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида қурилиш ташкилотларида операцион фаолият харажатларини функциялари бўйича таснифлаш орқали «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисобот шакли ишлаб чиқилган;

шартномалардан олинадиган даромадларни даврлар бўйича тан олинганда натижа ва ресурс усулларини қўллаш асосида активнинг тайёрлик ёки фойдаланилган ресурслар истеъмол даражасини баҳолаш имкониятини 1,5 баробар ошириш асосланган;

тузилган шартномалар бўйича бажарилган қурилиш ишлари таннархи таҳлилини калькуляция моддалари бўйича амалга оширишнинг соддалаштирилган шакли таклиф этилган;

қурилиш ташкилотларида маъмурий харажатларни давр харажатларига таъсир этувчи омилларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари концептуал қоида ва принципларига асосан операцион фаолият ҳисобининг мақсади ва вазифаларининг белгилаб берилганлиги бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш самарадорлигини оширган;

операцион фаолият харажатларини функциялари бўйича таснифлаш асосида қурилиш соҳасининг туб хусусиятларидан келиб чиқиб «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисобот шакли ишлаб чиқилган;

буюртмачилар билан тузилган шартномаларни бирлаштириш, модификациясини ҳисобга олиш, даромадларни даврлар бўйича ёки бир вақтнинг ўзида тан олишни аниқлаш усуллари бўйича тавсиялар берилган;

бажарилган қурилиш ишлари бўйича активнинг тайёрлик ҳамда фойдаланилган ресурслар истеъмол даражасини баҳолаш таклиф этилган;

шартномалар бўйича бажарилган қурилиш ишлари таннархи ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг таъсир даражалари ўрганилган;

давр харажатларини таъсир этувчи омиллар асосида таҳлили ва ушбу омилларни таркибий жиҳатдан таҳлиллари амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, далилларнинг асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, «Электрқишлоққурилиш» акциядорлик жамиятининг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисобини молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари талаблари асосида ташкил этиш, буюртмачилар билан тузилган шартномалар бўйича даромад ва харажатларни тан олиш, «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисобот тайёрлаш ва қурилиш ишлари таннархи, давр харажатларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикасидаги фаолият юритувчи турли мулкчилик шаклидаги қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисоби ва таҳлили услубиётини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисоби ва таҳлилинини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандарти талаблари асосида қурилиш ташкилотларида операцион фаолият харажатларини функциялари бўйича таснифлаш орқали ишлаб чиқилган «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисобот шаклидан фойдаланиш таклифи «Электрқишлоққурилиш» акциядорлик жамияти бухгалтерия ҳисоби бўлимида ўз аксини топган («Электрқишлоққурилиш» АЖ нинг 2021 йил 31 майдаги 113/07-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф жорий этилиши натижасида «Электрқишлоққурилиш» АЖ да «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисоботида буюртмачилар билан тузилган шартномалар бўйича бажарилган қурилиш ишлари бўйича тан олинган даромадлар ва амалга оширилган харажатлар тўғрисида шаффоф маълумотлар олиш имкониятини яратган. Шунингдек, ушбу шакл асосида «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисобот тайёрлашга сарфланган вақт 10 фоизга тежамкорлика эришиш имконини берган.

Шартномалардан олинган даромадларни даврлар бўйича тан олинганда натижа ҳамда ресурс усулларини қўллаш орқали даромадлар даражасини баҳолашга оид таклифлари «Электрқишлоққурилиш» акциядорлик жамияти бухгалтерия ҳисоби бўлимида ўз аксини топган («Электрқишлоққурилиш» АЖ нинг 2021 йил 31 майдаги 113/07-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий этилиши натижасида шартномалар бўйича даромадлар даврлар бўйича тан олинганда бажарилган қурилиш ишлари бўйича сўровнома ўтказиш, сарфланган вақт, амалга оширилган ресурслар сарфи билан боғлиқ маълумотлар асосида активнинг тайёрлик ҳамда фойдаланилган ресурслар истеъмол даражасини баҳолаш 1,5 баробарга ошириш имконини берган. Шунингдек узоқ муддатли шартномалардан

олинадиган даромадлар бўйича ишончли ва шаффоф хулоса шакллантириш имкониятини яратган.

Тузилган шартномалар бўйича бажарилган қурилиш ишлари таннархи таҳлилини калькуляция моддалари бўйича амалга оширишнинг соддалаштирилган шакли бўйича таклифи «Электрқишлоққурилиш» акциядорлик жамияти бухгалтерия ҳисоби бўлимида ўз аксини топган («Электрқишлоққурилиш» АЖ нинг 2021 йил 31 майдаги 113/07-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий этилиши натижасида тузилган шартномалар бўйича бажарилган қурилиш ишлари таннархини аниқлаш ва уни калькуляция моддалари бўйича таҳлили режага нисбатан ҳақиқатда оғишишларни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисида маълумотлар олиш имконини яратган. Натижада бажарилган қурилиш ишлари харажатлари ва таннархи таҳлилини амалга оширишда сарфланган вақт 15 фоизга тежамкорликка эришиш имконини берди.

Қурилиш ташкилотларида маъмурий харажатларни давр харажатларига таъсир этувчи омилларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифи «Электрқишлоққурилиш» акциядорлик жамияти бухгалтерия ҳисоби бўлимида ўз аксини топган («Электрқишлоққурилиш» АЖ нинг 2021 йил 31 майдаги 113/07-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий этилиши натижасида давр харажатлари келиб чиқишига кўра алоҳида харажат моддалари сифатида таркиблаш ҳамда таҳлилининг асосий йўналишларини белгилаб олиш имконини яратган. Шунингдек, маъмурий харажатларни занжирли боғланиш усули асосида давр харажатларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан 4 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 147 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиётни ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қурилиш ташкилотларининг ўрни ва уларда операцион фаолият ҳисобининг назарий асослари**» номли биринчи бобида, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қурилиш соҳасининг тутган ўрни, бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, операцион фаолият ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари ўрганилган ва боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Маълумки, иқтисодиётнинг энг йирик тармоқлардан бири бу қурилишдир. Қурилиш иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий воситаларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Қурилишнинг натижаси бўлиб, ҳар хил функционал мақсадлардаги бино ва иншоотлар ҳисобланади.

Барча иқтисодий фаолиятлар саноат таснифи ҳалқаро стандартига (International Standards Industrial Classification of All Economic Activities, Rev.4) асосан қурилиш фаолиятининг қуйидагича таснифлаш мумкин (1-расм):



1-расм. Қурилиш фаолиятининг таснифланиши⁴

Covid-19 коронавирус пандемияси глобал даражада мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига хавф туғдираётган бўлса ҳам мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ривожланиб бориш таъмин этилмоқда ва бу аҳоли фаровонлиги юксалишида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, мамлакатимиз бўйлаб бажарилган қурилиш ишларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди (1-жадвал).

⁴ Тадқиқот натижасида муалиф томонидан ишлаб чиқилган

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйлаб бажарилган қурилиш ишлари қиймати (млн. сўмда)⁵

	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 Йил	2021 йил (январь-июнь ойлари)
Ўзбекистон Республикаси:	29413,9	34698,0	51129,3	71156,5	87823,8	48609,9
Қорақолпоғистон Республикаси	1171,8	1398,8	2182,7	3315,4	3785,9	2248,2
Андижон	1578,0	1782,9	2819,5	3539,1	4474,4	2423,4
Бухоро	2202,9	2543,7	3581,2	4368,1	5387,2	3506,5
Жиззах	906,1	996,1	1564,3	2510,6	2766,5	1383,5
Қашқадарё	2560,0	2759,1	3701,1	4365,3	4928,2	2761,2
Навойи	1153,1	1313,6	2280,8	3464,0	4392,9	2170,8
Наманган	1289,9	1475,2	2257,6	3471,0	4491,8	2391,3
Самарқанд	2194,9	2342,4	3299,0	4527,2	5665,9	3183,1
Сурхандарё	1554,8	1827,0	2879,7	3979,7	4690,6	2585,4
Сирдарё	540,7	552,4	1001,1	1926,2	2192,1	1335,8
Тошкент вилояти	1646,3	1825,4	3006,1	5594,1	6930,6	3941,1
Фарғона вилояти	1840,0	1969,5	2942,7	4162,8	5089,6	3108
Хоразм вилояти	1220,9	1375,8	1878,3	2496,8	3032,0	1641,9
Тошкент шаҳри	4633,4	6197,9	10870,7	16256,9	18758,9	11553,7

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес фаолияти операцион ва операцион бўлмаган фаолият турларига ажратилади. Операцион фаолият хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг асосий таркибий қисми бўлиб, субъект ходимлари ва шакллантирилаётган барча активларнинг катта қисми ушбу фаолиятни таъминлашга йўналтирилади.

Мавжуд ҳисоб тизимининг бошқа меъёрий ҳужжатларда, маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан яратилган адабиётларда операцион фаолият бўйича таърифлар берилмаган. Мутахассислар ва иқтисодчи олимлар томонидан кўпроқ асосий фаолият атамаси қўлланилиб келинмоқда.

Фикримизча, асосий фаолият асосан маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар кўрсатишга қаратилган бўлиб, операцион фаолият унинг давомийлиги, узлуксизлигини таъминлаб беради. Бу эса, операцион фаолият асосий фаолиятдан анча кенгроқ тушунча бўлиб, унинг иқтисодий мазмуни етарлича ўрганилмаганлигидан далолат беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, операцион фаолиятга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Операцион фаолият жорий даврда даромад келтириб, асосий фаолият билан узвий боғлиқ ҳолда асосан корхонанинг ичида амалга оширилади ва унинг узлуксизлигини таъминлаб беради.

⁵ Тадқиқот натижасида муалиф томонидан ишлаб чиқилган

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ – 4611 сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисобот шакллари МҲХС талаблари асосида тайёрлаш белгилаб қўйилди. Ушбу қўйилган талабдан келиб чиқан ҳолда, хўжалик юритувчи субъектларда, жумладан, қурилиш ташкилотларида ҳисоб ва ҳисобот тизимларини МҲХС талаблари бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1-сонли «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш» (*Presentation of Financial Statement*) номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартининг (БҲХС) 99 моддасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар фойда ва зарарларда тан олинган харажатларни характери ёки функцияларига кўра таснифлаш усулларини тақдим этади⁶.

2-жадвал

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот⁷

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди
Сотишдан олинган даромад	1
Бошқа операцион даромадлар	2
Операцион фаолиятдан олинган даромадлар	3 (1+2)
Тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги товар моддий захираларнинг ўзгариши	4
Хом ашё ва материаллар сарфи	5
Ходимлар учун қилинган харажатлар	6
Эскириш ва амортизация харажатлари	7
Бошқа операцион харажатлар	8
Операцион фаолиятдан олинган фойда	9 (3-4-5-6-7-8)
Моливий фаолиятнинг соф харажатлари	10 (11-12)
Моливий фаолият даромалари	11
Молиялаштириш харажатлари	12
Солиқ тўлангунга қадар фойда	13 (9+10)
Фойда солиғи бўйича харажатлар	14
Ҳисобот даврининг фойдаси	15 (13-14)

Юқоридаги методологик кетма-кетлик асосида 1-сонли «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш» номли БҲХС стандартининг 102 моддасига асосан харажатларни характериға кўра таснифлаш усули бўйича «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисобот шакллантирилади (2-жадвал)⁸. Харажатларни характериға кўра таснифлаш усулининг моҳияти хўжалик юритувчи субъект

⁶ IAS 1 Presentation of financial statements.15p. IFRS Foundation.2010

⁷ 1-сон «Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш» МҲХС стандарти талабларига мувофиқ муаллиф ишланмаси

⁸ IAS 1 Presentation of financial statements.16p. IFRS Foundation.2010

фаолиятини амалга ошириш учун сарфланадиган доимий ресурслар, жумладан хом ашё ва материал харажатлари, иш ҳақи харажатлари, асосий востиларни эскириши билан боғлиқ бўлган харажатлар тўғрисида маълумот бериш ҳисобланади.

3-жадвал

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот⁹

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди
Сотишдан олинган даромад	1
Сотилган маҳсулот таннархи	2
Ялпи фойда	3 (1-2)
Сотиш харажатлари	4
Мамурий харажатлар	5
Бошқа операцион харажатлар	6
Бошқа операцион даромадлар	7
Операцион фаолиятдан олинган фойда (зарар)	8 (3-4-5-6+7)
Моливий фаолиятнинг соф харажатлари	9 (10-11)
Моливий фаолият даромалари	10
Молиялаштириш харажатлари	11
Солиқ тўлангунча ҳисобланган фойда	12 (8-9)
Фойда солиғи бўйича харажатлар	13
Ҳисобот йилида доимий фаолиятдан олинган фойда	14 (12-13)

1-сонли «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш» номли БҲХС стандартининг 103 моддасига мувофиқ харажатларни функцияларига кўра таснифлаш усули бўйича «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисобот юқоридаги методологик кетма-кетлик асосида шакллантирилади (3-жадвал).

1-сонли «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш» БҲХС стандарти 81 моддасининг а ва б бандлари, 82 моддасининг а,б,с,д бандлари, 90, 99 ва 106 моддаларининг д бандлари¹⁰, 12-сонли «Даромад солиғи» номли БҲМС стандартининг 77 моддаси¹¹, 5-сонли «Сотиш учун сақлаб турилган ва тўхтатилган операциялар» номли МҲХС стандарти 33 моддасининг а банди¹² асосида «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисобот шакллантирилади.

Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари талаблари асосида тузилган «Фойда ва зарарлар» ги ҳисобот хусусиятлари операцион фаолият ва операцион бўлмаган фаолият моддаларини бир биридан алоҳида аниқ фарқлайди ҳамда фойда ва зарарларда тан олинган харажатларни уларнинг хўжалик юритувчи субъект доирасидаги функцияларига қараб таснифлаб, операцион фаолият харажатларини таҳлил қилиш имкониятини яратиб беради.

1-сонли «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш» номли БҲХС 103 моддасига асосан харажатларни функциялари бўйича «Фойда ва


⁹ 1-сон МҲХС «Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш» стандартига мувофиқ муаллиф ишланмаси

¹⁰ International Accounting Standards Board (IASB), 2010. «IAS 1 Presentation of financial statements», in IASB (ed.), 16p.2010.The IFRS Foundation, London

¹¹ International Accounting Standards Board (IASB), 2010. «IAS 12 Income tax».16p.The IFRS Foundation.London

¹²International Financial Reporting Standards. 2010.»IFRS 5 Non-current Assets Held for Sale and Discontinued Operations».14p 16p.The IFRS Foundation.London. <http://www.iasplus.com>


зарарлар» тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган операцион фаолият харажатлари таркибини қуйидагича шакллантириш ўринли деб ҳисоблаймиз.



2-расм. Операцион фаолият харажатлари таркиби¹³

Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолият харажатлари маҳсулот (иш ва ҳизмат) ларни ишлаб чиқариш, уларни сотиш билан боғлиқ ҳамда операцион бўлмаган фаолиятга кирмайдиган бошқа харажатларни ўз ичига олади. Демак, операцион фаолият харажатлари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш захираларини аниқлашда, моддий, техник, меҳнат ва молиявий ресурсларни назорат қилишда ҳамда рентабелликни оширишда асосий дастаклардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўз навбатида операцион фаолият даромадлари дейилганда хўжалик юритувчи субъектнинг операцион фаолияти натижасида олинган даромадлар тушунилади (3-расм).



3-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолият даромадлари таркиби¹⁴

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, қурилиш ташкилотларида операцион фаолият бу қурилиш объектлари қуриш ва иш, ҳизматларни амалга ошириш, уларни буюрмачиларга ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳамда моливий ва инвестицион фаолиятга тегишли бўлмаган барча жараёнлар йиғиндиси деб таъриф беришни лозим топдик.

Қурилиш ташкилотларида операцион фаолият бир қисми сифатида буюрмачи билан тузилган шартнома доирасида белгиланган мажбуриятлар бажарилиб, қурилиш объекти буюртмачига ўтказилади ёки қурилиш иш,

¹³ Тадқиқот натижасида муалиф томонидан ишлаб чиқилган

¹⁴ Тадқиқот натижасида муалиф томонидан ишлаб чиқилган

хизматлар кўрсатилади. Бу эса, қурилиш ташкилотининг нормал иш шароитида операцион фаолиятдан олинган даромадлар шаклланишининг мунтазамлигини белгилаб беради.

4-жадвал

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот¹⁵

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди
Шартнома бўйича олинган даромад	1
Шартнома таннари	2
Ялпи фойда	3 (1-2)
Сотиш харажатлари	4
Мамурий харажатлар	5
Бошқа операцион харажатлар	6
Бошқа операцион даромадлар	7
Операцион фаолиятдан олинган фойда (зарар)	8 (3-4-5-6+7)
Моливий фаолиятнинг соф харажатлари	9 (10-11)
Моливий фаолият даромалари	10
Молиялаштириш харажатлари	11
Солиқ тўлангунча ҳисобланган фойда	12 (8-9)
Фойда солиғи бўйича харажатлар	13
Ҳисобот йилида доимий фаолиятдан олинган фойда	14 (12-13)

Хориж мутахассислари томонидан қурилиш ташкилотларида буюртмачилар билан тузилган шартномалардан олинган даромадлар шартнома даромалари (*Revenue from Costract*), қурилиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар эса шартнома таннари (*Contract cost*) деб юритилади. Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, қурилиш ташкилотларининг туб хусусиятларини инобатга олган ҳолда 1-сонли «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш» номли БҲХС 103 моддасига асосан харажатларни функцияси усули бўйича «Фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисоботни тузишда юқоридаги 4-жадвалда келтирилган намунадан фойдаланишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Диссертация ишининг иккинчи боби «**Қурилиш ташкилотларида операцион фаолият ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш**» деб номланиб, унда операцион фаолият ҳисобини МҲХС талаблари асосида ташкил этиш, қурилиш ташкилотларида операцион даромадларни 15-сонли МҲХС талабларига мувофиқ тан олиш масалалари бўйича қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

2-сонли «Товар моддий захиралар» номли БҲХС стандарти 2 моддаси а банди ушбу стандарт меъзонлари қурилиш шартномалари учун қўллаш доирасига кирмаслиги, 16-сонли «Асосий воситалар» номли БҲХС стандарти 3 моддаси а бандида сотиш учун мўлжалланган активларни тан олмаслик меъзонларидан келиб чиқиб, буюртмачи билан тузилган шартномани бажариш учун амалга оширилган харажатлар 15 сонли «Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича даромадлар» номли

¹⁵ Тадқиқот натижасида муалиф томонидан ишлаб чиқилган

МХХС стандартининг 95 моддасининг а,б ва в бандларига асосланиб ҳисобга олинади.

Қурилиш ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган иш ва хизматлар буюртмачи ва унинг тегишли томонлари ўртасида бир нечта қурилиш пудрат шартномалари асосида амалга оширилади. Бу эса, қурилиш ташкилотлари билан буюртмачи ўртасида тузилган шартномалар бўйича операцион фаолият даромадларини тан олишда маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Қурилиш ташкилотларида шартномаларни бирлаштириш ёки алоҳида ҳисобга олишни аниқлаш учун қуйидаги моделдан фойдаланишни тавсия қиламиз (4- расм).




4-расм. 15 – сонли МХХС асосида қурилиш ташкилотларида шартномаларни бирлаштириш ёки алоҳида ҳисобга олишни аниқлаш модели¹⁶

Шуни таъкидлаш жоизки, қурилиш шартнома ҳажми ва нархи мунтазам ўзгариб турадиган соҳа сифатида қаралади. Қурилиш ишлари ҳажмининг ўзгариши ёки буюртмачининг талаби асосида пудрат шартномасига янги иш ва хизматлар қўшилиши натижасида қурилиш пудрат шартномаси ҳажми ва қиймати ўзгаради. Глобал қурилиш амалиётида бундай ўзгаришлар шартномани модификациялаш деб номланади. 15-сонли «Харидорлар билан

¹⁶ 15-сон МХХС «Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича даромадлар» стандартига мувофиқ муаллиф ишланмаси

тузилган шартномалар бўйича даромадлар» номли МҲХС стандартининг даромадларни тан олишнинг биринчи босқич меъзонлари асосида шартномани модификациялашни ҳисобга олишда қуйидаги моделдан фойдаланишни таклиф этамиз (5-расм)¹⁷.



5-расм. 15-сонли МҲХС асосида қурилиш ташкилотларида шартномани модификациялашни ҳисобга олиш модели¹⁸

15-сонли «Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича даромадлар» номли МҲХС стандартининг умумий тамойил шундан иборатки, даромад бир вақтнинг ўзида тан олинишини белгилайди. Агар шартнома мажбуриятлари ушбу стандартнинг 35 моддасига асосан қуйидаги меъзонлардан бирига жавоб берса, унда ушбу мажбуриятлар даврлар бўйича бажарилган деб ҳисобга олинади ва даврлар бўйича даромадларни тан олинади:

қурилиш ташкилоти мажбуриятларини бажариш мобайнида харидор бир вақтнинг ўзида вужудга келадиган нафларни қабул қиладими ва истъмоқ қиладими?

қурилиш ташкилоти ўзини мажбуриятини бажариши давомида активни яратади ва фаолаштиради, харидор шу активларни ташкил этиш ва фаоллаштириш устидан кўзда тутилган назоратни олиб борадими?


қурилиш ташкилоти мажбуриятини бажариш натижасида муқобил мақсадларда фойдалана олмайдиган активни яратади ва шу кунга қадар бажарилган шартномавий ишлар учун тўловни олиш ҳуқуқига эга бўладими?

15-сонли «Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича даромадлар» номли МҲХС стандартининг даромадларни тан олишнинг бешинчи босқич меъзонлари асосида қурилиш ташкилотларида

¹⁷ International Accounting Standards Board, 2014b, 'Basis for conclusions on IFRS 15 revenue from contracts with customers', in IASB (ed.), International Financial Reporting Standards: A guide through IFRS official pronouncements, issued at 01 July 2014 with extensive cross-references and other annotations, Part B2, The IFRS Foundation, London, pp. B295–B1435.

¹⁸15-сон «Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича даромадлар» МҲХС стандарти талабларига мувофиқ муаллиф ишланмаси

даромадларни тан олишда даврлар бўйича ёки бир вақтнинг ўзида тан олишни аниқлаш учун қуйидаги моделдан фойдаланишни тавсия қиламиз (6-расм):



6-расм. Қурилиш ташкилотларида даромадларни тан олишда даврлар бўйича ёки бир вақтнинг ўзида тан олишни аниқлаш модели¹⁹

15-сонли «Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича даромадлар» номли (МХХС) стандарти талаблари даромадлар даврлар бўйича тан олинганда ресурс (input) ёки натижа (output) усуллари асосида мажбуриятларни бажариш даражасини баҳолашни белгилайди.

Ресурс усули мажбуриятларни бажаришда истъмол қилинган ресурсларга, сарфланган иш вақтига, асбоб ускуналарнинг сарфлаган вақти ва бошқа омилларга асосланган даромадларни баҳолашни англатади.

5-жадвал

Ресурс усули асосида даромадларни баҳолаш²⁰

Усул	Усулнинг моҳияти	Асос бўлувчи омиллар
Ресурс усули	Қурилиш ташкилоти ушбу мажбуриятни бажаришга кутилаётган ҳиссаси билан боғлиқ равишда уни бажаришга бўлган ҳаракати ёки ҳиссаси асосида	Истъмол қилинган (сарфланган) ресурслар; Амалга оширилган харажатлар; Сарфланган вақт (эришилган натижа учун); Сарфланган меҳнат соати; Асбоб ускуналар сарфлаган вақти.

¹⁹ 15-сон МХХС «Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича даромадлар» стандартига мувофиқ муаллиф ишланмаси

²⁰ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Фикримизча, ресурс усули бўйича даромадлар қуйидаги формула орқали баҳоланаши лозим:

$$D_p = (X_j/X_c) \times \text{Ш}_6 - D_y \quad (1)$$

Бунда, D_p – даромадларни ресурс усули бўйича баҳоланиши;

X_j – жорий давргача амалга оширилган харажатлар;

X_c – сметадаги умумий харажатлар

Ш_6 – шартнома баҳоси;

D_y – ўтган даврда тан олинган даромадлар.

Натижа усули шу кунга қадар бажарилган шартнома мажбуриятлари қийматини тўғридан-тўғри баҳолашда қўлланилади.

6-жадвал

Натижа усули асосида даромадларни баҳолаш²¹

Усул	Усулнинг моҳияти	Асос бўлувчи омиллар
Натижа усули	Шартнома бўйича келишилган товарларга ёки хизматларга нисбатан товарларни ёки хизматларни харидорга шу кунгача ўтказилган қийматини тўғридан-тўғри ўлчаш асосида	Бугунги кунга қадар бажарилган қурилиш ишларининг натижалари бўйича сўровномалар; Эришилган натижаларни баҳолаш; Эришилган марра; Сарфланган вақт (эришилган натижа учун).

Фикримизча, натижа усули бўйича даромадлар қуйидаги формула орқали баҳоланаши лозим:

$$D_n = (B_j/B_y) \times 100\% \times \text{Ш}_6 \quad (2)$$

бунда, D_n – даромадларни натижа усули бўйича баҳоланиши;

B_j – жорий давргача бажарилган қурилиш ишлари;

B_y – жами қурилиш ишлари;

Ш_6 – шартнома баҳоси.

Юқорида таклиф қилинаётган модел ва формулалар 15-сонли «Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича даромадлар» номли (МХХС) стандарти талабларига мувофиқ шартномаларни бирлаштириш, модификациясини ҳисобга олиш, даромадларни тан олиш ҳамда даражасини баҳолаш имконини беради.


Диссертациянинг «**Қурилиш ташкилотларида операцион фаолият харажатлари таҳлили ва уни такомиллаштириш**» деб номланиб, учинчи бобда шартномалар бўйича бажарилган қурилиш ишлари таннархи таҳлилининг ташкилий услубий жиҳатларини, давр харажатларининг келиб чиқишига кўра таҳлилни ҳалқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Маълумки, таннарх ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан биридир. Фикримизча, буюртмачилар билан тузилган шартномалар доирасида бажарилган қурилиш ишлари таннархини

²¹ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

калькуляция моддалари бўйича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (7-расм).

Бажарилган қурилиш ишлари таннархини таҳлил қилишда унинг таркибидаги ҳар бир харажат моддаларининг улушини аниқлаб олишдан бошлаш лозим.



7-расм. Ишлаб чиқариш харажатлари таснифи ва гуруҳланиши бўйича таҳлили²²

Қурилиш ишларининг умумий таннархидаги ҳар бир модданинг улуши қурилиш ишлари (ҳақиқий, режалаштирилган ёки тахминий) таннархдаги i модда бўйича харажатларни қурилиш ишлари (ҳақиқий, режалаштирилган ёки тахминий) таннархига нисбати бўйича қуйидагича аниқланади:

$$Z_i = D_i / C \quad (3)$$

бунда, D_i – қурилиш ишларининг ҳақиқий, режалаштирилган ёки тахминий таннархдаги i модда харажатлари;

C – қурилиш ишларининг ҳақиқий, режалаштирилган ёки тахминий таннархи.

«Электрқишлоққурилиш» АЖ нинг МК-11 бўлими томонидан бажарилган қурилиш ишлари таннархидаги харажат моддаларининг улушини таҳлил қилганимизда, режага нисбатан ҳақиқатда материал харажатлари бўйича $\Delta Z_M = -0,0005$, иш ҳақи харажатлари бўйича $\Delta Z_{ИХ} = -0,0004$, машина-механизмлар эксплуатация харажатлари бўйича $\Delta Z_{ЭКС} = +0,0008$, материалларни тайёрлаш ва сақлаш харажатлари бўйича $\Delta Z_{МС} = -0,0001$, ташиш харажатлари бўйича $\Delta Z_{ОМТ} = +0,0002$, кабел ва сим маҳсулотларини ташиш учун бўйича $\Delta Z_{КТ} = +0,0002$, бошқа харажатлар бўйича $\Delta Z_6 = 0,0005$ оғишишлар аниқланди.

Маълумки, материал харажатлари динамикасида режалаштирилган кўрсаткичидан кичик оғишишлар ҳам бажарилган қурилиш ишлари таннархига сезиларли таъсир кўрсатади.

Материал харажатлари моддаси бўйича таҳлил қилишда қуйидаги формуладан фойдаланиш ўринли деб ҳисоблаймиз:

²² Тадқиқот натижасида муалиф томонидан ишлаб чиқилган

$$M_{mp} = H_p \times X_p \times B_p \quad (4)$$

$$M_{mx} = H_x \times X_x \times B_x \quad (5)$$

бунда, M_{mp} ва M_{mx} – ҳақиқатда ва режа бўйича материал турлари бўйича харажатлари;

H_p ва H_x – табиий бирликларда бажариладиган ишларнинг ҳақиқатда ва режа бўйича ҳажмлари (ҳар бир қурилиш ишлари тури учун);

X_p ва X_x – табиий бирликларда бажарилган ҳар бир иш бирлиги учун материалларни сарф қилишнинг ҳақиқатда ва режа бўйича ставкалари;

B_p ва B_x – сарфланган материалларнинг ҳақиқий ва режалаштирилган нархлари.

Ҳақиқатда сарфланган материал харажатлари режа бўйича оғишишлар аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланиш лозим:

$$\Delta M_m = M_{mx} - M_{mp} \quad (6)$$

«Электрқишлоққурилиш» АЖ нинг МК-11 бўлими томонидан бажарилган қурилиш ишлари таннархида режага нисбатан ҳақиқатда сарфланган материал харажатлари нархи бўйича таҳлил қилганимизда, $\Delta M_{m1} = +256283,6$ минг сўм, $\Delta M_{m2} = +38383,6$ минг сўм, $\Delta M_{m3} = +177237,9$ минг сўм, $\Delta M_{m4} = +22445,0$ минг сўм, $\Delta M_{m5} = +205716,5$ минг сўм, $\Delta M_{m6} = +128112,6$ минг сўм, $\Delta M_{m7} = +660,5$ минг сўм, $\Delta M_{m8} = +86,5$ минг сўм, $\Delta M_{m9} = +11692,7$ минг сўм, $\Delta M_{m10} = +4696,4$ минг сўм, $\Delta M_{m11} = +8479,7$ минг сўм, $\Delta M_{m12} = +57400,5$ минг сўм, $\Delta M_{m13} = +86,5$ минг сўмга ортгани ҳамда $\Delta M_{m14} = 875451,5$ минг сўмга камайганлигини кўришимиз мумкин. Ҳақиқатда сарфланган материаллар бирлиги баҳоларининг ўзгариши материал харажатлари бўйича ҳақиқий харажатларнинг режага нисбатан $\Delta M_m = +79707,0$ минг сўм оғишиш келиб чиқишига таъсир кўрсатганлиги аниқланди.

Фикримизча, иш ҳақи харажатлари моддасини таҳлил қилишда иш ҳақи фонди ва унинг таннархи бўйича тақсимланиши таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ходимлар сонининг кўпайиши ёки камайиши ҳисобига иш ҳақи фондининг ортиқча (тежамкорлиги) режалаштирилган ўртача иш ҳақи ва ходимлар сонининг ўзгариши билан аниқлаш лозим деб ҳисоблаймиз:

$$\Delta I_\phi = \check{Y}_p \times (E_x - E_p) \quad (7)$$

бунда, ΔI_ϕ – иш ҳақи фондининг ўзгариши;

\check{Y}_p – режалаштирилган ўртача иш ҳақи;

E_x – ҳақиқатдаги ишилар сони;

E_p – режалаштирилган ишчилар сони.

Режалаштирилган даражага нисбатан иш ҳақи фонди даражасининг ўсиши (ёки камайиши) натижасида иш ҳақи фондининг ортиқчалигини аниқлашда (тежамкорлиги) қуйидаги формуладан фойдаланишни таклиф этамиз:

$$\Delta I_\phi = E_x \times (\check{Y}_x - \check{Y}_p) \quad (8)$$

бунда, \check{Y}_x – ҳақиқатда ўртача иш ҳақи.

